

=====

“ЖИНОЙ ХУЛҚ – АТВОР ВА ХАЁТ МАЗМУНИ”

Фолибжон Турсунбоев.¹

¹ Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти

Ёшлар билан ишилаш, манавият ва марифат

Бўлим бошлиги, психолог

**ИНФОРМАЦИЯ
О СТАТЬЕ**

**ИСТОРИЯ
СТАТЬИ:**

Received: 29.03.2025

Revised: 30.03.2025

Accepted: 31.03.2025

АННОТАЦИЯ:

Кейинги йилларда глобал даражада жаҳонинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий ва хуқуқий хатар гурӯхига кирувчи ёшлар сони кундан-кунга ошиб бораяпти.

КАЛИТ СҮЗЛАР:

*Кейинги йилларда
глобал даражада
жаҳонинг
ривожланган
мамлакатларида
ижтимоий ва хуқуқий
хатар гурӯхига
кирувчи ёшлар сони
кундан-кунга ошиб
бораяпти.*

КИРИШ. Кейинги йилларда глобал даражада жаҳонинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий ва хуқуқий хатар гурӯхига кирувчи ёшлар сони кундан-кунга ошиб бораяпти. Бу муаммонинг мамлакатимиздаги холатини, уни келиб чиқиш омилларини ўрганишга катта этибор берилмоқда. Айниқса бу гурӯхга кирувчи ёшларнинг ижтимоий-психологик портретини яратиш, шунингдек бу соҳада бажариладиган психокоррекцион ишларнинг мазмуни ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса бу гурӯхга кирувчи ёшлар билан олиб бориладиган ишларнинг таъсирчан механизимларини яратиш тадбирлари мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Тахликали замонда” алоҳида ахамиятга эга.

Ижтимоий хатар гурӯхига кирувчи ёшларда хаёт мазмуни ва маъноси хақида тасаввурлар борми? Умуман хаёт мазмуни нима?

Бу – онгланган ва узоқ муддатга мўлжалланган хаёт мақсадидир. Шахс ўзига ўзи “Хаёт мазмуни” нима? деб камдан кам савол беради. Аммо, руҳан соғлом киши (онг остида бўлса хам) хаёт мақсади ва хаёт мазмуни хақида фикрлайди. Хаёт мазмунини

белгилаб олади. Инсониятни минг йиллардан бўён хаёт мазмуни хақидаги фикрлар ўйлатиради. Хатто, буюк мутафаккирлар хам хаёт мазмуни нима деб ўзларига такрор ва такрор савол берганлар. Жавобнинг мураккаблиги шундаки, бу саволга хар бир инсон ўзича жавоб беради. Жавоблар турлича. Умрининг тўрт йилга яқинини немис – фашистларнинг концлагерида ўтказган, минглаб одамларнинг очлик ва совукдан ўлганига гувоҳ бўлган психотерапевт – олим Виктор Франкл ўзининг “Человек в поисках смысла. (М. 1990 йил) ва “Хаётга ха де”. (Т. 2021 йил) ва бошқа китобларида инсон хеч қачон, хар қандай вазиятда хаёт мазмунини йўқотмаслиги кераклигини таъкидлаган. Хар қандай оғир вазиятда хаётга ишонган, хаётнинг ижобий эканлигига ишонган шахс тирик қолади. (В.Франкл)

Хаёт мазмунини хато танлаган инсон эса турмушда, ишда ва бошқа сохаларда катта қийинчиликларга учрайди. Коммунистик тузум даврида халқимиз онгига хато, бузғунчи ғоялар, фикрлар сингдрилди. Масалан: “Бойлик ёмон”, “Ойлик маош билан яшаб бўлмайди”, шу каби хато, сохта ғоялар илгари сурулди. Халқимизни минг йиллик маданий меросидан, ўзлигидан ва хаёт мазмунидан айришга уриндилар. Хаёт мазмуни инсониятнинг минг йиллик тарақиёти давомида шаклланган қадрятлар, миллий онг, дунёқараш ва урф - одатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин, шу билан бирга хаёт мазмуни индивидуал феноминдир. Хар бир шахснинг хаёт мазмуни унинг оиласа олган ижтимоий тажрибаси – тарбияси, дунёқарashi ва қадрятлари тизимининг қандай шакллангани билан боғлиқ. Шунингдек, шахснинг интеллектуал ва зиёлилик даражаси хам хаёт мазмунини белгилайди. Ижтимоий хатар гурухига кирувчи ёшларнинг қандай оиласа тарбия топғанлиги, тарбияланганлиги, шахс хусусиятлари, хулқ -авори билан бошқалардан ажралиб турадилар. Бу тоифадаги ёшларнинг хаёт мазмуни ва маъноси хақидаги тушунчалари, тасаввурлари илмий жихатдан кам ўрганилган. Аммо, бу муаммонинг долзарблиги шундаки, бу гурухга кирувчи ёшларнинг ўрганишда психолог тадқиқотчиларнинг жиддий изланишларини тизимли ва узлуксиз равишда ташкил этиш зарур.

Ижтимоий хатар гурухига кирувчи ёшларнинг ҳаёт мазмуни, маъноси ва моҳиятини ўрганиш ўта муҳим вазифалардан бири. Ҳаёт мазмунини онгли ёки онгсиз (онг ости) равища англамаган, шунингдек ҳаёт мазмунини “йўқотган” шахсда экзистенциал фрустрация юз беради. Инсон ўзлигидан “мен”лигидан узоклашади. Ҳаётга қизиқиши йўқолади. В.Франкл бу ҳолатни “экзистенциал вакум” деб номлаган. Фикримизча бу бир ижтимоий, иқтисодий формациядан иккинчи бир формацияга ўтганда аҳолининг зиёли, ишсиз, руҳий патологияси мавжуд (акцентуацияси бор шахсларда) ва бошқаларда зўриқиши, стресслар, неврозлар (нооген невроз) билан кечади. Бу психик ҳолатларнинг олдини олиш, бундай шахсларнинг психик ҳолатини ўрганиш давр талабидир.

Ижтимоий хатар гурухига кирувчи ёшларни ҳаёт мазмуни ва маъносини ўрганиш муаммоси кенг ва чуқур ўрганиш давом этди.

Ижтимоий хатар гурухига киравчи ёшларнинг хаёт мазмуни, қадриятларини ўрганиш мақсадида “Хаёт қадриятларини ўрганиш методикаси” танланди.

Аммо, методикада шкаладаги жуда кўп сўзлар ноаниқ, хато таржима қилинганлиги аниқланди. Бу шкалалар ёшлар тушундиган сўз ва гапларга алмаштирилди.

Шунингдек ижтимоий хатар гурухига киравчи ёшларни хаёт мазмуни, қизиқишиларини, хаёт тарзини ўрганиш мақсадида бўлим ходимлари томонидан “Ижтимоий сўровнома” ишлаб чиқилди.

Дастлабки ўрганишлар натижасида (сухбат, кузатув) ёшлар орасида хаёт мазмуни ва маъносини фикрловчилар қуидагича фарқланади:

1. Ўз ҳаёт мазмуни ва маъносини англаб етганлар. Улар ўсмирилик ва ўспиринлик ёшларидан ўзларини илм-фан, бойлик ортириш (бой бўлиш), “катта” раҳбар бўлиш, етук мутахассис бўлишни орзу-хавас қилишади ва соҳага тинмасдан тайёргарлик кўради. Улар “ҳаёт мазмуни” иборасини тушунмасалар, англаб етмасалар ҳам “ҳаётимнинг асосий мақсади; маъноси; мазмуни” (шу иш, касб, соҳа) деб жавоб берадилар.

2. Ўз ҳаёт мазмунини англаб етган, аммо шу йўлда тинмасдан изланаётган ёшлар. Уларнинг ҳаёт мазмуни, қизиқишилари, мақсадлари ўзгариб туради, баъзан аниқ эмас, лекин изланиш доимо давом етади. Айримлар эса бу хулқ – авторни, яни ҳаёт мазмунини умрларининг охиригача давом эттирадилар.

3. Ҳаёт мазмуни ва маъносини англаб етмаган, аммо қайси бир соҳада ўз фаолиятини мувофақиятли давом эттираётган ёшлар. Уларнинг одатда дунёқарашлари анча юзакидир. Аммо, улар қонунларга бўйсунади, одоб - ахлоқ қоидаларига риоя қилади.

4. Бу гурухга киравчи ёшларда аниқ бир мақсад йўқ. Уларни дунёқарашлари юзаки, билимлар доираси тор. Улар ишонувчан, урушқоқ, агресив. Бу ёшлар инқизорзли вазиятларда турли жиноят қилишлари мумкун.

Лойиха юзасидан Тошкент шахар Сергели туманидаги уюшмаган ёшлар гурухи ва мактабларнинг юкори синф ўқувчилари билан ижтимоий психологик иммунитетнинг таъсирчан механизmlарни яратиш соҳасида килинган дастлабки ишлар:

1. 12.09.2023 йил Сергели туманидаги “Мададкор” махалласини ёшлар етакчиси ёрдамида “Мехнатни таги роҳат” мавзусида уюшмаган ёшлар билан давра сухбати ўтказилди. Тадбирда 26 нафар ёшлар қатнашди. Улар орасида ички ишларда хисобда турувчилар, вақтинча ишсизлар, касбларга ўқиётган ёшлар бор эди (Facebook сахифамизга қаранг).

2. 13.09.2023 йил Сергели туманидаги 301-сон умумталим мактабининг юкори синф ўқувчилари билан “Баҳт қалити қаерда” мавзусида маъруза, савол-жавоблар ўтказилди. Тадбирдан асосий максад – ёшларнинг хулқ-автори, қонунларга хурмати ва бошқа соҳаларни қамраб олган бўлиб, ўқувчилар табдирга фаол қатнашдилар.

3. 28.09.2023 йил Сергели туманидаги 300-сон умумталим мактабининг юкори синф ўқувчилари билан “Одобни одобсиздан ўрган” мавзусида давра сухбати ташкил этилди. Тадбир сўнгига ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказилди.

4. 12.10.2023 йил Сергели туманидаги 317-сон умумталим мактабининг юкори синф ўқувчилари билан “Ватан муқаддасдир” мавзусида сухбат ташкил этилди. Сухбатга Психология ўқув-илмий марказнинг мутахассис психологи Турсунбоев Ғолибжон қатнашиб ўқувчилар билан фикр алмашди. Юкори синф ўқувчилари тадбир жараёнига фаол қатнашдилар.

5. 15.09.2023 йил Сергели туманида яшовчи фаол, катта хаётий тажрибага эга 23 нафар нуронийлар билан “Ижтимоий хатарга кирувчи ёшлар” билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар хакида фикр алмашилди. Улар ўзларини катта хаёт тажрибалари билан ёшларга халоллик, меҳнатсеварлик, катталарга хурмат – кичикларга иззат ва бошқа мавзуларда давра сухбатларни олиб бориш келишиб олинди.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. В.С.Соловьев “Добро в человечской природе” М.1990 йил
2. В.С.Соловьев “Оправдание добро” М.1990 йил
3. В.Г.Степанов “ Психология труднқх детей М.1994 йил
4. С.Л.Франк “Духовные основы общества М.1992 йил
5. А.Усмонхўжаев “Кўнгил халовати” Т.2006 йил
6. Ибратли ҳикоялар. Т.2016 йил